

Тақсит савдоси ва унинг низоми



20:00 / 06.08.2019 4175

«Тақсит» сўзи луғатда бўлиб-бўлиб тўлаш маъносида бўлиб, шаръий истилоҳда савдо молини нақд қилиб, баҳосини насия қилишга айтилади. Бунда савдо молининг баҳоси нақд тўлашга нисбатан қимматроқ ёки баробар ёхуд пастроқ бўлишининг эътибори йўқ.

Ислом Фиқҳи Академиясининг еттинчи мажлисида ушбу савдо тўғрисидаги уламолар муноқашаларини тинглангач, унинг жоизлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Албатта, ушбу савдо турининг ҳам тўғри бўлиши учун маълум шартлар амалга оширилиши керак.

Тақсит савдосининг шартлари:

1. Сотилаётган савдо молининг мубоҳ нарса бўлиши;
2. Савдо моли сотувчи ёки вакилининг мулкида бўлиши;

3. Бўлиб бериладиган маблағ бўлаklarининг қиймати маълум бўлиши;
4. Муддатнинг аниқ тайинланган бўлиши;
5. Икки тараф насия ва муддат орасида иттифоққа келишмай, ажралиб кетмаслиги.

Тақсит савдосининг низоми

1-модда. Тақсит савдоси насия савдо турларидан бўлиб, бунда сотувчи ва олувчи келишилган пулни тайинланган вақтларда бўлиб-бўлиб тўлашга келишишади.

2-модда. Тақсит савдосининг битимида қуйидаги шартлар икки нусхада тўлиқ баён қилиниб, ҳар бир нусха сотувчи ва олувчининг қўлида бўлмоғи лозим:

1. Савдо молининг тўлиқ сифати;
2. Баҳонинг миқдори ва (агар берилса) олдиндан бериладиган маблағнинг миқдори;
3. Бўлиб тўлашга қўйилган муддатнинг аниқлиги;
4. Бўлиб тўланадиган маблағларнинг аниқлиги;
5. Бўлиб тўланадиган бўлаklarнинг адади;
6. Бўлиб тўланадиган бўлаklarнинг вақти;
7. Баҳонинг тўлиқ тўлаш шартлари;
8. Шу билан бирга, сотувчи ва олувчининг ўзидан содир бўлиши мумкин бўлган баёнотлар, ўзаро келишув асосида қандай баёнот ёки шартлар бўлса, уни келтириш...

3-модда. Савдо моли битим тузилган вақтда харидорга тўла-тўқис берилиши лозим;

Бериш – савдо молига боғлиқ бўлган нарсаларни ва ундан фойдаланишда доимий сифат бўлиб эътибор қилинадиган ҳар бир нарсани ўз ичига олади. Бу эса нарсанинг табиати, урф ва икки томоннинг мақсад тақозосига мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, савдо молини олувчи ундан ҳар қандай

тўсиқсиз, тўлиқ тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт ҳисобланади. Бу нарса шаръий истилоҳда «таслим» дейилади.

4-модда. Тақсит савдосида сотувчи харидордан баҳонинг ҳамма қисмини тўлиқ адо этгунича гаров ёки зарарнинг ва тўлиқ тўлашнинг кафолатини сўраши жоиздир;

5-модда.

А. Сотувчида тақситга сотиладиган товар қийматининг 20%дан кам бўлмаган маблағини олдиндан олиш ҳуқуқи бор;

Б. Харидор гаровни ёки зарар ҳамда тўлиқ тўлаш кафолатини келтирса, келишувга қараб, юқоридаги нисбат озайиши мумкин;

6-модда. Харидор бўлиб-бўлиб бериладиган пулни қайси манзилда адо қилишини ҳам аниқ белгилаб олишлари лозим.

7-модда. Битимда харидор зиммасидаги келишилган баҳонинг кўп қисми берилган бўлса ва харидор ўз зиммасидаги бўлақлардан бир қисмини беролмай қолса, икки тараф учун ҳам ушбу савдо шартномасини бузиш талаби жоиз бўлмайди;

8-модда. Харидор зиммасидаги бериши керак бўлган бўлақни камида икки мартаба ўз вақтидан кечиктирсагина, қолган пулни нақд қилиб бериш ҳақида тузилган келишув амалга ошади.

Тақсит савдосининг баъзи келишувларида, «Агар харидор келишилган маблағнинг бир бўлагини ваъдалашган вақтда адо қилмаса, қолган бўлақлари нақдга айланиб қолади ва бу ҳолатда сотувчи учун шу ҳолда харидордан қолган бўлақларнинг ҳаммасини нақд тўлашни талаб қилиши жоиз бўлади», дейдиганлар ҳам бордир. Ушбу шарт жоизми? Бу масала айрим ҳанафий китобларида зикр қилинган.

«Хулосатул фатаво»да шундай дейилади:

«Агар (сотувчи олувчига): «Бўлақнинг тўлаш вақти кирса-ю, тўламасанг, қолган (насия) бўлақлар нақдга айланади» деса, дуруст бўлади ва мол нақдга айланади».

Бу масала «Фатавои Баззозия»да ўзгартирилган, маъно у билан тўғри бўлмайдиган ҳолда зикр қилинган. Рамлий «Жомиъул фусулайн»га ёзган хошиясида ана ўшандан огоҳлантириб, қуйидагиларни айтади:

«Баззозия»да келган матннинг маъноси шундай:

Ижарага берувчининг «Қачон бўлакнинг тўлаш вақти кирса-ю, тўламасанг, қолган (насия) бўлаклар нақдга айланади» дейиши дуруст. Шундай булган тақдирда ижарага берувчининг «тўловнинг қолган қисмлари нақдга айланади», дейиши муддатни йўққа чиқаради. Чунки ижарага берувчи ўзининг бу талаби билан шартни бузган бўлади»

«Хулоса»нинг иборасида ҳам: «Қачон бўлакнинг тўлаш вақти кирса-ю, тўламасанг, қолган (насия) бўлаклар нақдга айланади», деса дуруст бўлади ва «мол нақдга айланади», дейиш билан муддатни йўққа чиқариш шартни бузганлиги сабабли ҳосил бўлади», дейилади.

Демак, ушбу фикҳий матнлар бу каби шартни қўйишнинг жоизлигини кўрсатади. Харидор тақсир савдосидаги шартлардан айримларини бузганда сотувчида ҳам насия муддатини нақдга айлантириш ҳуқуқи ҳосил бўлади. Лекин бундай ҳолатда сотувчи нақдга айланган муддатдаги фойдаларни олмаслиги шартдир. Яъни сотувчи «Муддатни кутаман» деса, фойда олишга ҳақли бўлади, лекин харидорнинг айрим шартларни бузиши сабабли насия муддатини нақдга айлантирса, ўша муддатдаги фойдаларни чиқариб ташлаши лозимдир.

«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан